

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

МИЛЛИЙ МАТБУОТ РАВНАҚИГА ЭЪТИБОР

Соҳа ходимларининг касб байрамига бағишлаб 25 июнь куни Ўзбек Миллий академик драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, матбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, техник маҳорати ва оммавий спортга кенг жалб этишга давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди. Болалар спортини ривожлантириш, аҳолини jisмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишга оид чора-тадбирларни фаол ва кенг ёритган журналистлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг совгалари билан тақдирланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

ЎзА материали асосида тайёрланди.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни бугунги қутлуғ айём – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Журналист аҳлининг машаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар куни баҳраманд бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тим-солингизда эл-юрт манфаатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради.

Бундан бир аср муқаддам ўзбек миллий журналистикасининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар боболаримиз матбуотнинг асл моҳиятини ана шундай чуқур англаб, масъулият билан иш юритганлари, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Бу фикрни биргина мисол – 1914 йили «Садои Фарғона» газетасининг илк сонидан чоп этилган «Матбуот бутун дунёдаги маданий миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ва инсоният тараққиётининг чўққиси учун лозим бўлган сазй-ҳаракатлар тўғрисида маслаҳатлашмоқ ва кенгашмоқ учун зарур бир воситадир» деган сўзлар ҳам яққол исботлайди.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз ана шундай тамойиллар ва замонвий талаблар асосида тубдан янгиланиб ва ривожланиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва журналистларимиз олдида янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда гап журналистнинг нафақат истеъдоди ва маҳорати ҳақида, айни пайтда ўз умрини шу заҳматли касбга бағишлаган ҳар қайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳамиша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамиятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, уларга жамоатчилик ва кенг омманинг эъти-

борини қаратиши, қисқа қилиб айтганда, эл-юрт дарди ва истиқболи учун, ҳаётимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор топиши учун куйиб-ёниб яшаши ҳақида бормоқда.

Шу маънода, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу эса матбуот аҳлининг тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшашини, тараққиёт сирларини эгаллаш, замонвий ахборот-коммуникация технологиялари, аввало Интернет имкониятларидан тўла фойдаланишга эришишни, ўз устида доимий ишлашини тақозо этади, албатта.

Қаттиқ ирода ва тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган бундай вазифалар ҳақида гапирганда, барчамиз яхши англаймизки, аввало мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини замон даражасига кўтариш учун ҳуқуқий қафолат ва шароитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари демократик давлат барпо этиш вазифасининг узвий бир қисми бўлишини таъминлаш мақсадида ҳали яна улкан ишларни амалга оширишимиз зарур.

Бу хусусда сўз борганда, кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланаётгани, айниқса нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, энг муҳими, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши, аҳолимизнинг дунёқарашини ва маънавий оламини янада юксалтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Шундай ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, уларга янги амалий туртки бериш мақсадида матбуот байрамига бағишлаб жойларда бўлиб ўтадиган турли тадбир ва учрашувларда журналистларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва вазифаси хусусида ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг ва атрофлича фикрлашиб олиш айтиш мумкин бўлур эди.

Шу борада чуқур бир ҳақиқатни англаб олишимизни истардим: оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, уларнинг савияси, ўткирлиги ва таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш учун яна қандай чора-тадбирлар кўриш, қандай вазифаларни амалга ошириш кераклигини белгилаб олишда, илғор дунё тажрибасини жорий қилишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди.

Ўзимиз белимизни қаттиқ боғлаб, қўлоғимизда бамисоли занжир бўлиб турган эскича қараш ва қолиплардан озод бўлиб, қонун олдида барчанинг тенг экани амалда ўз тасдиғини топиши учун чарчамасдан доимо курашиш – бугунги давр талаби эканини унутмаслигимиз лозим.

Бугун юртимизда матбуот байрамини нишонлар эканмиз, қайси соҳа бўлмасин – бу газета-журнал ёки радио-телевидение бўладими, нашриёт ва матбаа соҳаси бўладими – журналистикамиз ривожига катта ҳисса қўшаётган барча ижодий ва техник ходимларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклаб, сизларнинг шарафли меҳнатингизни халқимиз, Ватанимиз ҳамиша юксак қадрлайди, деб қалбимдаги эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Ҳурматли ва азиз дўстлар! Барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Меҳнат ва ижод завқи сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.**

МАТБУОТ ВА ДАВР



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Олимжон САРОВ билан бўлган суҳбатимизни 4-бетда ўқийсиз.

Парламент хабарлари

Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

22 июнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари кўрилди ва қабул қилинди.

ФАҚАТ ЛИЦЕНЗИЯ БЎЙИЧА!

«Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» (иккинчи ва учинчи ўқиш).

Мушакбозлик, фейерверклар, ракеталар ва «тинчлик даври»нинг бошқа пиротехникаси қонун ижодкорларининг эътибор марказида бўлиб келяпти. Жуда тез орада маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, ташиш, сақлаш, йўқ қилиш ва утиллаштириш учун лицензия керак бўлади! Бунинг устига, – Қонунчилик палатаси томонидан учинчи ўқишда қабул қилинган ва Сенатга юборил-

ган қонун лойиҳаси бунинг ҳаммасидан фойдаланишни лицензиялашни тақозо этади. Бироқ қандай фойдаланиш: «профессионал» ёки «хусусий» фойдаланиш тўғрисида сўз бораётганлиги аниқлаштирилмаган.

Қорбобога ҳам энди тегишли ҳужжат керак бўлади. Ушбу чораларни Ҳукуматнинг истеъмолчиларни (ва биринчи навбатда – болалар ва ўсмирларни) қандай айланма йўллар орқали баъзан кимлардир нимадан ва қандай шароитларда тайёрлаганлиги номаълум бўлган пиротехника буюмлари келтирадиган хавфдан ҳимоя қилиш истаги тақозо этган.

Жинойат кодекси ҳам ноқонуний пиротехника муомаласига дахлдорликда айбланган шахслар учун

қаттиқ жазони, жумладан узоқ муддат озодликдан маҳрум қилишни – назарда тутадиган бир қатор нормалар, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс эса жарималар ва бутун ноқонуний маҳсулотни мусодара қилишни назарда тутадиган модда билан тўлдирилди.

ЗАРАРЛИ РЕКЛАМА БЎЛМАСИН

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178¹-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (иккинчи ва учинчи ўқиш).

Ҳар қандай қувватдаги алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотлари

рекламасини тўлиқ тақиқлашни тақозо этувчи қонун лойиҳаси қабул қилинди. Агар сенаторлар уни маъқулласалар, мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг, модомики «савдо двигатели»дан фойдаланиш тақиқланган экан, истеъмолчининг ҳузурига қандай бориш устида бош қотиришларига тўғри келади.

Тақиқ қаерда бўлмасин (витриналар, пештоқлар, савдо объектлари, савдо шохобчалари ва бошқалар), яъни ҳамма ерда ичимликлар ва тамаки тўғрисида тасвирларни ўрнатиш, номлари ва улар ҳақидаги бошқа ахборотни жойлаштиришга татбиқ этилади.

Қонун лойиҳасининг асосий мўлжалли

МИНТАҚАЛАРДАГИ

Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларига қилинган сарфандан қайтдилар. Депутатнинг одатдаги ишлари, яъни сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, шу минтақадаги долзарб муаммоларни аниқлашдан ташқари улар ўзини ўзи бошқариш органлари – шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ишларнинг аҳволини ўргандилар. Шу аснода олинган натижалар мазкур институт бир қанча сабабларга кўра ҳозирча тўлақонли ишлай олмаслигидан далолат бермоқда. Сабабларнинг асосийси маҳалла фаолиятининг иқтисодий асоси йўқлигидир.

Бошқа муҳим муаммоларга келганда, шуни таъкидлаш керакки, аҳамияти жиҳатидан дастлабки уч погонани эгаллаб турган муаммолар қаторида Зангиота туманида ичимлик сув, бир қанча минтақаларда электр энергияси ва газ етказиб беришдаги беқарорлик, электр энергияси истеъмолчилари билан уни етказиб берувчиларнинг ўзаро даъволари, шунингдек пойтахт канализация сувларининг тозаланмаган ҳолда Бўзсув каналига назоратсиз ҳолда ташланиши билан боғлиқ муаммолар бор.

ЗАНГИОТАЛИКЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР



Ориф ШАРИПОВ,
Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси,
ЎзЛиДеп фракцияси аъзоси

(Тошкент вилоятининг Зангиота туманидан ҳамда Тошкент туманининг бир қисмидан ташкил топган Зангиота сайлов округидан):

– Зангиота туманида фуқароларнинг 11 та йиғини бор, Тошкент туманидаги 4 та қишлоқ ва шаҳарча йиғини ҳам менинг округимга киради. Сайловчилар билан учрашувларда асосан коммунал-маиший соҳага оид масалалар, хусусан йўлларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, аҳолини газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш масалалари кўтарилди.

Таъминлаш масаласи ҳар иккала туман аҳли учун ҳаётини муҳим, долзарб бўлиб турибди. Зангиота тумани лойиҳага кўра Чирчиқдан Қуйичирчиқ туманидаги 1-сув насос станцияси бошқармаси ёрдамида оби ҳаёт билан таъминланади. Насосларнинг ишидаги носозлик сув таъминотида беқарорлик келтириб чиқармоқда.

Мен олдинги чақирикда ҳам шу округдан Қонунчилик палатасига сайланган эдим. Кейинги уч йил мобайнида ҳудудни Тошкент шаҳри сув таъминоти тизими-га улашга муваффақ бўлдик. Ўша кезлари аҳолини сув билан қисман таъминлашнинг бу бирдан-бир мақбул варианты эди.

– Тизимнинг қуввати бу ишни пойтахт сув таъминотига зарар етказмаган ҳолда амалга ошириш имконини берадими?

– Умуман олганда, бунга имкон бермайди. Борди-ю бундан буён ҳам шу тизимдан фойдаланаверсак, тошкентликларга жабр бўлади. Шаҳар атрофидаги ҳудудларни, аниқроқ қилиб айтганда, Зангиота туманидаги 12 та ва Тошкент туманидаги 17 та маҳаллани сув билан

таъмин этдик. Ростини, бу муаммонинг ечими эмас, балки оғир вазиятдан вақтинча чиқиш имконияти, холос.

1-сув насос станциясидаги ускуналар маънан ва жисмонан эскирган. Электр энергияси таъминотидаги узиллишлар бусиз ҳам мураккаб вазиятни чуқурлаштиради: тармоқда кучланиш қалқиб турганлиги боис двигателлар ортиқча юкни кўтаролмай, нуқул куйиб қолмоқда. Улардан ҳар бирини бир галги таъмирлаш иши тахминан 5 млн сўмга тушади. Уни ишлатишнинг қийинчилиги йўқ, аммо тиклаш жуда қимматга тушмоқда.

Зангиота туманининг энергетика тизими ҳам эскириб қолган. Бу ҳам олдинги масала билан ўзаро чамбарчас боғлиқ муаммо... Электр энергияси берилишини тартибга солиб, кучланишни барқарор ушлаб туриши лозим бўлган трансформатор кичик станциялари ишга туширилганига 40–50 йил бўлди. Шуни ҳам назардан қочирмаслик керакки, туман ўсиб ва кенгайиб бормоқда, уй-жойлар қурилоқда, янги корхоналар қад ростламоқда, электр энергияси истеъмоли ортиб бормоқда, электр таъминотининг мавжуд тизими қувватлари эса бунчалик юкни кўтара олмапти.

– Бирон йўли борми?

– 1-сув насос станциясини реконструкция қилишга маблағ ажратиш масаласи ҳал этилмоқда. Ҳудудлар кўздан кечириб чиқилди, реконструкция билан боғлиқ тавсиялар ва ло-йиҳалар ишлаб чиқилди, аммо молиялаш масаласи ҳанузгача муаллақ қолмоқда. Билишимча, ана шу мақсад учун Ислом тараққиёт банки кредити ҳисобидан 34 млн АҚШ доллари ажратиш назарда тутилган. Режага кўра 2010–2011 йилларда иш бошлаб юборилиши керак.

Ана шу маблағдан чамаси 10 млн доллари Зангиота туманида жойлашган Бўзсув аэрация станциясини реконструкция қилиш учун мўлжалланган. Лекин бу алоҳида масала...

1962 йили Тошкент шаҳрининг оқава ва канализация сувларини тозалаш ҳамда сувни тоза ҳолда Бўзсув каналига ташлашни таъминлайдиган аэрация станцияси қурилган эди. Ўтган 50 йил мобайнида Тошкент бекиёс ўзгарди. Зилзиладан кейин шаҳар бўйича ва энга кенга борди... Эндиликда мазкур станцияга дастлаб назарда тутилганидек, бир

кеча-кундузда 60 минг эмас, балки беш минг куб метр оқава сув келиб тушмоқда! Холбуки унинг ҳажми ва ўтказиш қобилияти ўша-ўша, эскича ҳолатда. Натижада Бўзсувга шартли равишдагина тозаланган дейиш мумкин бўлган бўтана сув оқизилмоқда. Чуқурлиги 6 метрлик канал шу даражада лойқаланганки, оқаётган сувнинг баландлиги 30 см дан ошмайди. Аҳоли худди шу сувдан сабзавот ва қулпнай экилган майдонларни суғоради, кейинчалик шу маҳсулотлар шаҳар бозорига боради. Ёз кезлари болалар шу сувда чўмилидилар. Каналда балиқ ҳам бор: одамлар уни тутиб истеъмол қилмоқдалар. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология хизматлари ва Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг тегишли хизматлари ҳуласаларига қараганда, минтақадаги эпидемиологик вазият бағоят ташвишли! Юқорида айтилган ҳолат гепатит ва бошқа юқумли касалликлар, паразитлар тарқатадиган хасталиклар аҳоли ўртасида кўз ёйилиши даражаси ортишига олиб келмоқда.

Бу масалани биз уч йил мобайнида маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда тегишли хизматларнинг мутахассислари ўрганиб чиқдик. Тўпланган материаллар ва таклифларимиз Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Бугунги кунда реконструкция ҳамда тегишли тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда юқорида зикр этилган кредитни жалб этиш тўғрисида келишувга эришилди. Бироқ ҳозирча бундан кейинги ҳаракатдан дарак йўқ.

Кимлар пудратчи бўлиши биз учун ҳозирча ноаён... Бу лойиҳага Россия ва Хитойнинг қандайдир компаниялари пудратчилик қилмоқчи қабилдаги гаплардан хабардормиз. Лекин масъул идорада бирон-бир ягона қарорга келинмаган кўринади. Менинг тушунишимча, бу масала ҳозирча очиқ қолмоқда...

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига келганда, айтиш жоизки уларнинг ишини ўрганиш асносида на маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, на уларнинг фаоллари, на маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари тўғрисида етарлича ахборотга эга. Минтақада қандай муаммолар борлигидан, бу муаммолар қачон, ким томонидан ва қай тартибда ҳал этилишидан, қолаверса, у ёки бу масаланинг амалга оширилиши қайси босқичда эканлигидан улар ҳамиша ҳам хабардор деб бўлмайди. Бу масалаларда етарлича очиқ-ошкоралик йўқлиги аҳоли қабул қилинаётган қарорлар ва дастурлардан етарлича хабар топмаслигига олиб келмоқда, бу эса пировард натижада айни ана шу қарорлар ва дастурларнинг самарадорлигини сусайтиради. Биз ҳар иккала туман ҳокимликларига ақалли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор этиш тизимини соз ҳолатга келтиришни тавсия этдик. Ҳеч бўлмаганда, шу минтақани ривожлантиришнинг тасдиқланган дастурлари билан истаган одам танишиб олиши учун бу дастурларни кўпайтириб, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини идораларининг ҳар бирига осиб қўйишни таклиф этдик.

пивога қаратилган, у эса, қонун ҳужжатларимизга кўра, «кучсиз алкогольли ичимлик»¹ ҳисобланади. Агар тамаки ва ўткир алкогольли ичимликлар хусусида аввал бошдан эътирозлар бўлмаган бўлса (зеро уларни реклама қилиш аллақачон тақиқланган, бунга ҳамма кўниккан ҳам), пиво масаласи баъзи депутатларга ва истисносиз барча пивопазларга баҳсталаб бўлиб кўринди.

Пиво соҳаси вакилларини бозорнинг консолидациялаши истиқболи ташвишга солади. Зеро, уларнинг фикрича, ахборот бўшлиғида тармоқнинг битта, кўпи билан иккита етакчиси яшаб қолиши мумкин. Шунингдек улар «пиво алкоголизми» ҳеч қачон минтақамиз муаммоси бўлмаганлигини таъкидлаб, лоақал нархномалар, савдо объектлари тоқчаларида, кўп маблағ қўйилган совутиш ва куйиш ускуналарида маҳсулот тўғрисида бирор-бир ахборотни жойлаштириш имкониятини қолдиришни таклиф қилмоқдалар. Депутатларнинг асосий қисми эса бундай хавфсирашларга асос йўқ деб ишонади. Уларнинг фикрича, мазкур чоралар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларига кучли зарба бермайди, зеро уни истеъмол қилиш тақиқланмайди ва ҳатто куйиш агрегатидаги «Сарбаст» логотипи бўяб ташалганда ҳам истеъмолчиларнинг асосий қисми сақланиб қолади.

Тамаки ва алкогольга нисбатан қаттиқ чораларни жорий этишнинг сабаби – бир томондан миллатни соғломлаштириш бўйича давлат дастурлари билан, иккинчи томондан, соғлиқ учун зарарли товарлар ишлаб чиқарувчиларнинг корпоратив манфаатлари ўртасидаги муросасиз зиддиятлардир. Пиво ҳам улар сирасига кирадими ёки йўқми – энди буни Сенат ҳал қилади.

Бироқ, мазкур қонун лойиҳаси алкоголь ва тамаки масаласи билангина чекланмайди, балки унда рекламага нисбатан этик хусусиятга эга айрим талаблар ҳам белгиланган. Масалан, барча шакллардаги яширин рекламага, шу жумладан бир товар бошқасининг кўриниши остида реклама қилинишига («Монопольная» минерал суви, «Столетов» лимонади ва ҳ.к.), рекламада ахборот нотўғри қабул қилинишига олиб келадиган хорижий сўзлар ва ибораларни қўллаш, реклама қилиниши тақиқланган товарларни бепул тарқатиш, шунингдек реклама матнида муайян товар давлат органлари (дейлик, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Халқ таълими вазирлиги) томонидан «тавсия қилиниши» ҳақида эслатма берилишига тақиқ жорий этилади.

ЯНГИ КўРНИШДАГИ НОТАРИУС

«Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (биринчи ўқиш).

Парламент юқорида тилга олинган қонун лойиҳаси устида иш бошлади. Ушбу ҳужжат ишлаб чиқилишига май ойи бошларида қабул қилинган Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони² туртки бўлди.

Қонун ижодкорлари миллий «нотариатнинг фаол модели»ни яратишга интилоқдалар. Нотариуслар (жорий йилнинг 15 майидан бошлаб фақат давлат нотариал идораларида ишловчи) ўз мижозларига «юридик ёрдам мажмуи»ни кўрсатиши мўлжалланмоқда, бунга ўз нотариал ҳаракатлари, шунингдек у билан боғлиқ бошқа – ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатлар киради. Мисол учун, уларга нотариал ҳаракатларни содир этиш учун давлат органлари ва турли муассасалар ҳамда ташкилотлардан турли маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ва олиш (айни вақтда нотариус сўраган ахборотни тақдим этмаганлик учун санкциялар белгиланган), шунингдек уларга ўз мижозлари – жисмоний ва юридик шахслар номидаги мол-мулкка ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш, ҳужжатларни легаллаштириш ва ҳоказо мақсадда мурожаат қилиш ваколатлари берилди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси амалдаги қонунчиликнинг меросхўр бўлиш, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар ва ФХДЭ органлари маълумотлар базаларини шакллантириш бобидаги баъзи номукаммалликларни тузатади.

¹Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган) 67-банди.

²2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон.

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 2 июндаги 269-аф-сонли буйруғига асосан МЧЖ шаклидаги «AUDIT-OLIMBEK» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 30 июнда берилган 00624-сонли лицензиянинг амал қилиши 2010 йилнинг 2 июнидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари
М.МИРЗАЕВ.

УШБУ
СОҶДА:

✓ 27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОМ- МАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

– Миллий матбуот равнақига эътибор
– Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

– Парламент хабарлари
– Матбуот ва давр **1, 4-бетлар**

✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УС- ТИДА ИШЛАШМОҚДА

– Минтақалардаги муаммолар **1-3, 5-бетлар**

✓ БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ
– Ҳисобот даври олдида **5-6-бетлар**

✓ ИСТЕЪМОЛЧИ
– Учинчи шахс учун тўлайманми?
– Ишонччи ишончнома билан тасдиқ-
ланг **7-бет**

✓ top **8-бет**

ЎҚУМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Тахририятимиз жамоаси икки ҳафталик таътилга чиқиши муносабати билан «Норма маслаҳатчи» газетасининг кейинги – 27-сонини 2010 йил 20 июлда чиқади.

Газетамиз учун ахборотларни sbaxbor@mail.ru электрон манзилимизга ёки **283-44-57** факсига жўнатишингиз мумкин.

Реализация бўлими одатдаги тартибда ишлайди, тел.: **244-44-29, 244-18-99.**

МУАММОЛАР

ИККИЁҚЛАМАЛИК ИЗМИДА



Жамила НИЁЗОВА,

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзоси, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси (Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Кегейли туманларидан, шунингдек Нукус шаҳрининг бир қисмидан ташкил топган Оқманғит сайлов округидан):

– Сайлов округлари бўйича ўтказилган учрашувлар асосида депутатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ва муаммолари ҳақида изчиллик билан ахборот тўпладилар, тегишли қонунларнинг ижросини ўргандилар. Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммаларига давлат томонидан ўтказилган қатор вазифаларни адо этаётганликларини яхши биламиз. Улар жойлардаги ижтимоий сиёсатнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги учун жавоб берадилар, кам таъминланган оилаларни аниқлаб, ижтимоий нафақалар тайинлайдилар. Ана шу ишларни озроқ маош эвазига бажарар эканлар, тўла назорат остида бўлишларида, баъзан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ўзига хос тарзда қарам бўлишларига ҳам тўғри келмоқда.

Уларнинг юридик моҳияти иккиёқламалиги билан ажралиб туради. Буни мен ёмон дея олмайман. Аксинча, қарор топган амалиётни ўрганиб, нималарни чиқариб ташлаш керак-у, нималарни қолдириш зарурлигини англаб олиш лозим. Маҳалла аҳоли учун ҳам, давлат учун ҳам чинакамига таянч бўлишига эришиш йўлида нималар қилиш зарурлигини ҳам билиш керак.

Бир тарафдан олганда, бу аҳолига энг

яқин турган органдир. Қўшнилар ўртасидаги муносабатлар, оилавий ишлар, тўй ва маросимларни ўтказиш, ҳудуднинг озодагарчилиги ва батартиблигини таъминлашдан тортиб қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар беришга қадар бўлган шахсий ва маҳаллий хусусиятдаги муаммолари ҳал этилишини сўраб фуқаролар айна шу органга мурожаат этадилар.

Давлат бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органининг 4 та штат бирлигини (маҳалла йиғини раиси, унинг котиби, участка таянч пунктига кўмаклашувчи посбон, шунингдек йиғин раисининг хотин-қизлар ва мафкуравий ишлар бўйича маслаҳатчисини) молия билан таъминламоқда: ана шу 4 ходим ҳокимликдан кўп бўлмаса-да, маош олади. Буни мазкур институтни давлат йўли билан ўзига хос тарзда қўллаб-қувватлаш дейиш мумкин. Ҳамонки, давлат пул берар экан, у ўзини ўзи бошқаришнинг ҳар бир муайян бўғини қандай ишлаётганлигини, фуқароларнинг орзу-интилишларига ва талаб-эҳтиёжларига қанчалик жавоб бераётганлигини ҳам суриштиради.

– Ўзини ўзи бошқариш органлари учун юридик мақом масаласи шунчалик муҳими?

– Амалиётда шундай бўлмоқдаки, ҳоким ўз қарори билан фуқаролар йиғини раисини ишдан четлатмоқда. Ҳолбуки, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1999 йил 14 апрелдаги таҳририга биноан ҳокимларда бундай ҳуқуқ йўқ. Оқсоқолни ишдан четлатиш тўғрисидаги қарорни фуқаролар йиғини қабул қилиши керак. Алоҳида ҳолатлардагина бу нарса суд қарори асосида содир этилиши мумкин. Аммо юқори амал эгасининг изми билан оқсоқолни ишдан бўшатиб бўлмайди. Тўғри, маҳалла фуқаролар йиғинларининг айрим раислари амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш, ўз мажбуриятларини бажармаслик, мавқеини суистеъмол қилиш ва шу сингари ҳоллар оқибатида талабга жавоб бермаслиги мумкин. Лекин бу тайинланган эмас, балки сайлаб қўйилган лавозим, шундай экан, қонун талабларига риоя этилиши шарт. Ё бўлмаса, маҳалла фуқаролар йиғини мустақил муассаса эмас, балки ҳокимликнинг бўлимаси деб эътироф этилмоғи лозим. Амалда бундай эмас, албатта.

Ўзини ўзи бошқариш органлари кўпроқ моддий база етарли эмаслигидан шикоят қиладилар. Бир тарафдан, қонун уларга айтайлик, уставда белгиланган талаб-эҳтиёжлар учун пул ишлаб топиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотига ўхшаш ўз му-

ассасаларини ташкил этишларини ман қилмайди. Айна бир вақтда, қонунда шу хусусда тўғридан-тўғри кўрсатма ҳам йўқ.

Бундай органлар давлат бюджети таъминотида ўтказилса (баъзан улар шуни талаб этадилар), улар шу ондан эътиборан давлат органига айланиб қоладилар. Бундан холи қолишга тааллуқли таклиф ҳам билдирилди... Кўп қаватли уйга туташ ҳудудни батартиб сақлаш ва ширкатнинг зарур миқдордаги штатли ходимлари таъминоти учун ХУМШ-га муайян миқдорда сумма ўтказилгани каби ўз маҳалла жамғармасига маълум миқдорда пул ўтказиш ва бу пулнинг озроқ қисмини (10-20 фоиз) маъмурий талаб-эҳтиёжларга сарфлаш, қолганини эса фуқаролар йиғини тасдиқлаган тадбирларга, хусусан, ҳудудни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва шу сингари тадбирларни амалга оширишга харжлаш мумкин. Табиийки, сарфланган пул юзасидан тийин-тийинигача ҳисобот бериб борилиши лозим. Бу ишларнинг ҳаммаси тамомла очик-ошкора ва қонуний асосда бўлмоғи керак.

– Бундай таклиф ҳаммага ҳам бирдай ёқавермас керак деб ўйлайман...

– Нима учун? Биз йўл жамғармасига ёки Бандлик жамғармасига ёхуд Мактаб таълими жамғармасига пул ўтказиб келаётимиз-ку!

– Бунинг учун аҳолини ҳеч бўлмаганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раво йўллар ёки мактаб таълими сингари муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонтира билиш лозим... Кўпчилик руҳан бунга тайёр эмас, чунки одамларда мазкур соҳа ходимлари ҳар қандай ҳолатда ҳам ниманидир қилишга ижозат этиш ёки руҳсат бермаслик йўсинида ўз ваколатлари ва жиловдорликларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар деган ҳадик бор.

– Гап шунда-да. Биз ҳар қандай жамғармага ёки давлат бюджетига ўз пулларимизни берамиз ва бу пуллар баайни эгасизлик қиёфасини олади. Маҳаллада бўлса, қандайдир миқдорда пул жамғарилишида иштирок этган одам борки, у бу пуллар ҳудудни тозалашга, болалар майдончаси барпо этишга, фахрийларга атаб ош қилишга, ёлғиз ёки хаста пенсионерларга патронажлик қилишга сарфланганлигига шахсан шохид бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тақрибан 10 мингта ўзини ўзи бошқариш органи бор. Улар мулкка эгалик қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари аниқлаштирилишини, молиялаштириш манбалари кенгайтирилишини сўрамоқдалар. Фикримча, бу ерда гап шароитда эмас, балки одамларнинг ўзида, уларнинг ишни талаб даражасида ташкил эта билиш қобилиятидадир.

Бизларда маҳалла гузарлари бор... Гузарлар дам олиш жойи, айна бир вақтда маҳалла

аҳолига комплекс маиший хизмат кўрсатиладиган жой ҳамдир. Чойхона, сартарошхона, новвойхона, прокат пункти ва шу сингари ларни ташкил этишга ким ҳам монелик қилади дейсиз?! Бошқа тарафларини эътиборга олмаганда, бу маҳалла аҳолини иш билан таъминлашнинг ўзига хос шакли-ку, ахир.

Ўзини ўзи бошқариш органларига бугунги кунда ҳомийлар маблағларидан фойдаланиш имконияти берилганлиги амалда уларни баъзан қарамлик ҳолатига туширмоқда. Икки мартагина ёрдам берган одам хизматига яраша иш қилишларини, ён босишларини талаб қилишга ўтиб олади. Таассуфки, йиғин раисларининг аксарияти шундайларнинг «кўнглига қараш»га мажбур бўлмоқда. Бошқа тарафдан олганда, моддий жиҳатдан жуда бақувват маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам бор. Бундай йиғинларнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимдон раҳбарлари ҳамма муаммоларни ўзлари ҳал этадилар: ҳокимлик ва ҳомийлар тергаб туришларига йўл бермайдилар, аҳоли ва давлат олдидаги мажбуриятларини бажарадилар. Амалдаги қонун ҳужжатлари ҳам уларни қаноатлантиради. Бундай кишилар юксак маънавиятли, билимдон, замонавий фикрлайдиган бўлиб, менежментни яхши биладилар. Улар бош бўлиб турган маҳаллаларни кўриб ҳавасинг келади. Ҳамма-ҳаммаси яхши, мулки ҳам бор, қонунга ҳам риоя этилади. Шундай экан, мақомнинг аҳамиятига ортиқча урғу беравермаслик керак!

Умуман олганда, маҳаллалар ХУМШларга жуда-жуда ўхшашдир. Вазият ҳам уларда деярли бир хил. Қонун ҳамма учун бир, фақат одамлар бир-бирдан фарқ қилади. Шундай йиғин раислари борки, улар учун бугунги кунда ижтимоий иш борасидаги амалий кўникмалар, таълим ва малакани ошириш масалалари, норматив ҳужжатлардан, услубий адабиётлардан эмин-эркин фойдаланиш муҳимроқдир... Худди шу маънода бунда «Маҳалла» жамғармаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари уюшмаси катта роль ўйнаган бўлур эди.

Яна бир муаммо кўпроқ Қорақалпоғистонга хос бўлса керак. Ҳудудлар ҳаддан ташқари катта. Одатда фуқаролар йиғини муайян миқдордаги аҳоли сонига қараб ташкил этилади, натижада битта фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ихтиёридаги ҳудуд ўнлаб квадрат километрга ястанган бўлади. Бу эса транспорт ва вақт билан боғлиқ харажатларга сабаб бўлмоқда. «Битта овулгача 25 км, иккинчисигача 14 км масофа, шу оралиқда югуриб юришга тўғри келмоқда», – деди мен билан суҳбатда йиғин раисларидан бири яқинда.. Баъзи ҳолларда маҳаллий овул йиғинларини яшовчи фуқаролар сонига қараб эмас, ҳудуд миқдорида қараб ташкил этиш мақсадга мувофиқ кўринади.

ҲОМИЙГА ҚАРАМ БЎЛМАСЛИК КЕРАК

Низомиддин СИДДИҚОВ,

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзоси, ЎзЛиДеп фракцияси аъзоси (Андижон вилоятининг Асака тумани ва Асака шаҳридан ташкил топган Асака сайлов округидан):



– Мен иккинчи муддат депутатлари сирасига кираман. Сайлов округига кейинги сафаримиз вақтида сайловчилар истеъмолчиларни газ ва электр энергияси билан таъминлаш масалаларини кўтардилар. Аммо ҳозир ўзини ўзи бошқариш органларининг айрим муаммоларига эътиборни тортишни истардим.

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари давлат бюджетидан ўзларига кўпроқ пул ажратилишини сўрамоқдалар. Улар истеъмолчилардан газ ва электр қуввати учун пул йиғишда кўмаклашмоқдалар, бунинг учун қандайдир миқдорда фоиз ҳам олмақдалар. Лекин улар-

нинг сўзларига қараганда, бу барибир камлик қилмоқда. Айрим ноинсоф, виждонсиз ҳомийларга қарамлик эса жуда оғриқли масала ҳисобланади. Улар эртага ниманидир ундириш имкониятига эга бўлиш учун ҳам бугун пул берадилар. Оқибатда нафақани баъзан чиндан ҳам муҳтожлар қолиб бошқаларга ҳам беришга тўғри келади. Аҳолини ижтимоий аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш ишига раҳна тушади ва шу зайил фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг энг муҳим, энг асосий вазифаларидан бири ижро этилмай қолади. Бунга эса сира-сира йўл қўймаслик керак.

Мен иқтисодчи сифатида бу муаммони ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча маблағлар ажратилиши зарур деган фикрдагиларга қўшила олмайман. Ўзини ўзи бошқариш органларига ўзлари учун пул ишлаб топишнинг бошқа, анча мақбул йўллари зарур. Шу органларнинг ҳудудида иш олиб бораётган тадбиркорлар ёки фермер хўжаликлари билан кооперация йўсинида ёки микромолиялаштириш имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш олиб боришлари ҳам мумкин-ку! Гаровни таъминлаш имконияти йўқлиги сабабли улар учун банк кредити орқали тўлақонли равишда молиялаштиришнинг иложи йўқ. Лекин ўз ҳудудидаги кредит уюшмалари ёки бошқа ҳар қандай микромолиявий ташкилотлар билан бемалол самарали ҳамкорлик қилишлари мумкин. Бунга ҳеч қандай монелик йўқ.

– Ўзини ўзи бошқариш органларини моддий база етишмаслигидан ташқари яна нималар ташвишлантирмоқда?

– Шаҳарча фуқаролар йиғинлари яна битта штат бирлиги – юрист штати берилишини сўрамоқдалар. Айтиш жоизки, шаҳарлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида 4 та штат бирлиги, шаҳарча ва овул йиғинларида эса 3 та штат

бирлиги назарда тутилган. Мени депутат этиб сайлашган Асака туманида 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини ва 50 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғини бор. Тўғри, ҳар бир маҳаллага юрист ажратиб бўлмайди, бу мамлакат миқёсида каттагина чиқимга сабаб бўлади. Бироқ ҳамонки, одамлар шу хусусда гапиришаётган экан, демек бунга эҳтиёж бор ва бу талабни ҳамма учун мақбул тарзда қаноатлантириш ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

Шунингдек жойларда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари ваколат муддати узайтирилиши бўйича истаклар билдирилди. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органининг раиси қонунга кўра 2,5 йилга сайланади. Бу чиндан ҳам кам деган фикрга қўшиламан. Ҳудудни, унинг муаммоларини эндигина ўрганиб улгуришининг билан янги сайлов кампанияси бошланади.. Сени бу ишга яна сайлашадими-йўқми – даргумон.

– Яхши раҳбар тезда кўзга ташлана қолади, баъзиларнинг рўйи-рост «очирилиши» учун ўн йиллар ҳам камлик қилади...

– Билмадим, бу масала ҳаммининг оғзида, демек нега шундай эканлигига эътибор қаратиш зарур.

Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида ягона тасдиқланган низом йўқлиги муаммосини ҳам ҳамма ерда тилга олишмоқда. Қонун ўз номи билан қонун, шундай экан унда мазкур институт фаолиятининг ҳамма жиҳатларини муфассал қамраб олиш қийин. Ўзини ўзи бошқариш органларини улар эгаллаб турган бино ва иморатлар қандай, кимнинг ҳисобидан ва қанақа муддат оралатиб таъмирлаш мумкинлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмагани ҳам ташвишлантирмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам, қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам шу хусусда гапиришмоқда.

МАТБУОТ ВА ДАВР

1-бетда Бугун биз фан-техника тараққийти туфайли тезкор ахборот асрида, ахборотлашётган жамиятда яшаймиз. Оммавий ахборот воситалари инсон ҳаётининг мазмунига таъсир этувчи қудратли кучга айланди. Глобаллашув жараёнида телевидение, радио ва матбуотни ўзида муҳасамлаштирган интернет – «он-лайн» журналистикаси ҳам майдонга келди. Эндиликда дунёнинг нариги чеккасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар саноқли дақиқаларда компьютеримиз экранда намён бўлмоқда.

– Олимжон Авалбоевич, дастлаб Олий Мажлис фаолиятининг маҳаллий матбуотимизда ёритилиши, бу борадаги вазифалар, эришилган натижалар хусусида тўхталсангиз.

– Муҳтарам Юртбошимиз шу йил 27 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» номли маърузасида «Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур», деб таъкидлаган эдилар.

Шунингдек, ўтган чақирқиди Олий Мажлис фаолиятига танқидий муносабат билдирилиб, матбуотдаги чиқишлар асосан пресс-релизларгагина таянилган ахборотлардан иборат бўлиб қолаётганлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, депутатлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка, сайловчиларга тўлақонли ахборот етказиб беришда йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинган эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда Қонунчилик палатасида Матбуот хизмати ташкил қилинди. Унинг зиммасига матбуот ва жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситаларида парламентда қабул қилинаётган қонунларнинг, ўтказилаётган тadbирларнинг, назорат-таҳлил ишларининг мазмун-моҳиятини тезкор, ҳолис ва атрофлича ёритиб боришга кўмаклашиш вазифалари юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунга келиб бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, телевидениеда «Парламент вақти», «Парламент соати» кўрсатувлари, газеталарда махсус рукнлар вужудга келди, бундан ташқари ўтказилаётган ҳар бир тadbир, Палата ялпи йиғилишлари матбуотда ўз аксини топмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида матбуотда 2 мингдан зиёд материал берилди. Бундан депутатларнинг ҳам, журналистларнинг ҳам фаоллашганлигини кузатиш мумкин.

Қонунчилик палатаси ва ОАВ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида парламент фаолиятини ёритишни хоҳловчи барча тахририятларнинг вакиллари тегишли тартибда аккредитациядан ўтказилди. Журналистларнинг парламентга тўсиқларсиз кириши, керакли ахборотларни тегишли кўмита ёки бўлимлардан ўз вақтида олишлари ҳамда жамоатчиликка ҳолис ва тезкор тарзда етказишлари учун имконият яратилди.

Эришилган ижобий натижаларга қарамадан, Қонунчилик палатасининг фаолияти ОАВ томонидан ҳар доим ҳам қониқарли даражада ёритилаёпти, деб бўлмайди. Айрим журналистлар парламент ишининг ўзига хос хусусиятларини билмаслиги оқибатида жиддий хатоликларга йўл қўймоқда. Баъзан ёритилаётган мавзу моҳиятини чуқур англаб етмаслик натижасида чучмал, саёз мақолалар чоп этилмоқда. Масалан, нашрларнинг бирида «Сўнги сўз сенаторларда қолди» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Бу ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, мантиқий жиҳатдан ҳам тўғри эмас. Негаки, сўнги сўз Президент томонидан айтилади, яъни ҳар қандай қонун давлат раҳбари имзо қўйгандан кейингина кучга киради. Сенаторлар эса қонунни маъқуллайди ёки рад этишади.

НТТ телеканалдаги «Парламент вақти» кўрсатувиде ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш киритиш

ҳақидаги ялпи мажлис мунозарасини ёритиш чоғида журналист «Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларининг 21 нафари Қонуннинг қабул қилинишига қарши овоз берди», дейди. Ваҳоланки, депутатларнинг овоз бериш жараёнидаги муносабати ошкор қилинмайди. Журналист бу ўринда ахборотни ўз хоҳишига кўра шарҳлаган ва жиддий хатоликка йўл қўйган.

Бу эса айни чоғда миллий матбуотимизда журналистларнинг ихтисослашувига жуда катта эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Чунки журналист ҳуқуқий маданият тарғиботчиси сифатида қонунларнинг қабул қилиниш жараёни ва ўзига хос хусусиятларини англамоғи, тушуноғи керак. Табиийки, бунда журналистдан юксак билим, малака ва ҳуқуқий саводхонлик талаб этилади.

Шунингдек, бугун матбуотда Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида қонунларнинг қабул қилинишида, кўмиталар ва ишчи гуруҳларида қонун лойиҳаларининг муҳокамалари жараёнида фракциялараро тортишувлар, баҳс-мунозаралар, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти кам ёритилмоқда. Натижада кенг жамоатчилик, сайловчилар бундай қизгин мунозаралар жараёнидан етарлича хабардор бўлолмапти.



Бизнингча, айнан қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва қабул қилишда кўмита ва ишчи гуруҳлардаги, ялпи мажлислардаги фракциялараро тортишувлар, баҳс-мунозаралар, сиёсий партия фракцияларининг ўз электорати манфаатини қатъий ҳимоя қилиб, билдираётган фикр-мулоҳазалари матбуотда ёритилиши парламент фаолиятига ҳам, депутатларнинг фаоллигига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Айниқса, бу борада журналистик репортаж жанри имкониятидан кенг фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки репортажда ахборотнинг ҳамма турлари уйғунлашади, воқеалар қандай кечган бўлса, худди шундай ёритилади.

Лекин афсуски, бугун Олий Мажлис фаолиятини ёритишда журналистларимиз жанрлар хилма-хиллигидан самарали фойдалана олмапти. Холбуки, жаҳон журналистикаси тажрибасида парламент фаолиятини ёритишда 20 дан ортик жанрлардан кенг фойдаланилади, миллий матбуотда эса асосан хабар, мақола, ҳисобот ва суҳбат каби тўртта жанрга таянилмоқда.

Тан олиш керак, бугун миллий журналистикамизда парламент фаолиятини ёритувчи профессионал журналист ва шарҳловчиларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Шу боис журналистика ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида «Парламент журналистикаси» бўйича махсус ўқув дастури ўқитилиши лозим. Ушбу дастурда бўлажак журналистларга парламент ҳаёти, унинг ваколатлари, қонунларни қабул қилиш тартиб-тамоийллари ва жаҳон парламент журналистикаси тажрибалари ҳақида тегишли йўл-йўриқлар бериб борилади.

– Бугунги ОАВнинг иқтисодий мавзуларни ёритишдаги маҳоратини қандай баҳолайсиз?

– Мустақиллик йилларида журналистларнинг иқтисодий мавзуларни ёритишдаги маҳорати тубдан ўзгарди. Мустақиллигимизга бўлган даврда мамлакатда саноқлигина газеталар бўлган. Бугунга келиб бутун бир медиа бозори, медиа-бизнес шаклланди. Ҳозирда мамлакатимизда мингдан зиёд ОАВ фаолият юритаётган бўлса, иқтисодий нашрлар бунда салмоқли ўринни эгаллайди.

Иқтисодий журналистика соҳасида эришилган натижаларга қарамадан, фикримизча, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда иқтисодий барқарорликни намён этаётган Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишлар ҳақида таҳлилий мақолалар миллий матбуотимизда кам чоп этилмоқда. Мамлакатимизда бундай ўсиш кўрсаткичларини дунё жамоатчилиги билиши лозим, деб ўйлайман. Чунки бу мамлакатимизга бўлган ҳурмат ва ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлайди.

– Ҳозирги ахборот хуружлари ва мафкуравий курашлар авж олаётган бир шароитда ўзбек журналистикасининг қиёфаси, ўрни ва имкониятлари қай даражада деб ўйлайсиз?

– Глобаллашув ва ахборот асри бўлмиш XXI асрда ҳаётнинг ўзи ОАВ ходимларининг олдига эл-юрт тинчлиги ва хавфсизлиги, Ватан равнақи ва фарзандлар камолоти йўлида масъулиятли вазифаларни юклайди.


Бундан 20-30 йиллар илгари ядро қуролига эга бўлган давлатлар гегемон сифатида дунёни бошқарган бўлса, бугун ахборот маконига, кучли матбуот органларига эга бўлган давлатлар ўз мафкураси орқали дунёга таъсир ўтказиётганлиги кузатилмоқда. Бу жараёнларда ўзбек журналистикаси ҳам ўз ўрни ва мавқеини аниқ белгилаб олиши керак. Ҳолис ва ҳаққоний ахборотни тарқатиш, омманинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган барча янгиликлар ҳам тараққийга хизмат қилаёпти, дея олмаимиз. Айрим оммавий ахборот воситалари муайян гуруҳ ёки шовинистик мақсадлар йўлида хизмат қилмоқда ва шу сиёсатга мос янгиликларни, айрим пайтларда ёлғон ва «миш-миш» хабарларни тарқатади.

Фарб матбуотининг мамлакатимизга нисбатан бундай мафкуравий таҳдидлар ва ахборот хуружлари асосиз эканлиги ҳақидаги чиқишларда айрим ҳолларда миллий матбуотимизга, образли қилиб айтадиган бўлса, «хужумкор»лик етишмаяпти.

Мустақиллик йилларида ОАВ ва уларда хизмат қилаётган журналистларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит ҳамда кафолатланган ҳуқуқий асос яратилди. Жумладан, сўз ва матбуот эркинлиги, журналистнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқи Конституция ва қонунлар билан кафолатланди, цензура бекор қилинди. Журналистик текширув ўтказиш институти илк бор қонуний асосга эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, матбуотнинг «тўртинчи ҳокимият» мақомига эришиши йўлида изчил ислохотлар давом этмоқда.

Бу борада Президент И.А.Каримовнинг соҳага бўлган юксак эътибори ва қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлаган ҳолда, демократик ислохотларнинг таркибий қисми бўлган ва фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган ОАВни янада ривожлантиришнинг бозор иқтисодиётига асосланган демократик андозаларини жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чоралар амалга оширилаётганлигини эътироф этиш жоиздир. Айниқса, сўнги йилларда ОАВни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган 10 та



қонун ҳужжати қабул қилинганлиги фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Хабарингиз бор, Юртбошимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши билан 2007 йилда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди ва соҳада вужудга келган айрим муаммолар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. Жумладан, Қонунда ОАВни рўйхатдан ўтказиш, таъсис этиш, тарқатиш жараёнлари соддалаштирилди. ОАВ муассиси ва тахририятининг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди. Қонунда биринчи марта даврий мабаа нашрининг электрон тури даврий мабаа нашрини тарқатиш усулларида бири эканлиги, ОАВ бозорини монополаштиришга йўл қўйилмаслиги, унинг тамойиллари ва монополик даражаси белгилаб қўйилди.

Президентимиз ўз маърузаларида ОАВга мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни, фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, бу борада парламент аъзолари эътиборни нодавлат ОАВнинг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлашга қаратди. Бундан ташқари ОАВнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги тезкор ва ахборотлашётган жамият талабларидан ҳамда ахборот хавфсизлиги ва миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, ОАВ соҳасида амалдаги айрим қонун ҳужжатларига, жумладан, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти туғилган. Негаки жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги, аввало, сўз ва матбуот соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши халқаро тажрибадан яхши маълум. Шунингдек, «Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Босма ва электрон нашрларнинг мажбурий нусхалари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинишига ҳам эҳтиёж сезилмоқда.

Ўйлаймики, парламент томонидан мазкур қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш газета ва журналлар тахририятларининг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ҳам оширишга хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистон журналистларининг имкониятлари жуда кенг. Ўйлаймики, улар яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, замон шиддатига мос чиқишларни кўпайтирадлар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча оммавий ахборот воситалари ходимлари, хусусан, газетангизнинг ижодий жамоасини касб байрами билан самимий муборакбод этаман!

Гулбаҳор САТТОВА
суҳбатлашди.

**ОҚСОҚОЛ ҚАТЪИЯТЛИ
БЎЛИШИ ЛОЗИМ**

Худоёр МАМАТОВ,

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси,
«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси
(Самарқанд вилоятининг Пастдарғом сайлов округидан):



– Сайлов округимда бугунги кунда туманни қайта қуришнинг кўламдор дастури амалга оширилмоқда: шу йилнинг ўзида бу ерда 17 та янги корхона ишга туширилиши керак, улар маҳаллий аҳолини 7 мингдан ортиқ иш жойи билан таъминлайдилар! Одамлар беҳад шод – иш излаб қўшни туманларга ёки шаҳарларга боришга ҳожат қолмади. Эндиликда улар кўтаринки руҳда, шикоят эса нисбатан кам.

Биз ўзини ўзи бошқариш органларидаги ишларнинг аҳволини муфассал ўрганиб чиқдик, улар томонидан таклифлар ҳам кўп бўлди. Хусусан, фуқаролар йиғини раиси ҳозирги кунда 2,5 йил муддатга сайланади, сайловчиларим шу муддат кўпайтирилиб, ақалли 4 йил бўлишини сўрамоқдалар. Бунга биринчи марта йиғин раислигига сайланган оқсоқол ишни тушуниб ўзлаштириб олгунча бир йил ўтишини, яна бир йилдан кейин эса янги сайлов кампанияси бошланишини рўқач қилиб кўрсатмоқдалар. Бинобарин, охириги ярим йил ичида у югуриб-елиб, тарғибот ишлари билан шуғуллангани боис том маънода ишлай олмади. Бундан ташқари, бир йил ичида амалда ҳал этиш мушкул бўлган муаммолар ҳам оз эмас, оқсоқол озми-кўпми тажриба тўплагунча ваколат муддати охирига қолади. Бошқа сайлаб қўйиладиган органлар, айтилик, Кенгашларга, парламентга 5 йил муддатга сайлашади. Бу масалага оид таклифларни умумлаштириб, уларни ўрганилиши ҳамда қонун лойиҳаларини тайёрлашда инобатга олиниши учун Қонунчилик палатасининг тегишли кўмитасига топширмоқчимиз.

– Ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳомийларга қарамлиги муаммоси хусусида фикрингиз қандай? Ҳоким баъзан шу онининг ўзидаёқ моддий чиқим талаб қилувчи вазифаларни ўртага қўяди, фуқаролар йиғинида эса бунга пул йўқ...

– Бу ўринда ташвиқотни тўғри олиб бориш керак. Агар ўзига тўқ бирон фуқаро нима биландир ёрдам қилган бўлса, буни у шахсан раис учун эмас, балки ўз маҳалласи учун қилади! Оқсоқол кўпни кўрган ва ҳаётий тажрибаси етарли бўлганлиги боис бош бўлиб турган жабҳада шундай иш олиб бориши керакки, уни ўйнатишлари эҳтимолига ҳам ўрин қолдирмаслиги лозим. Агар унинг обрўси бўлмаса ёки у етарлича обрўга эга бўлмаса, демак профессионал жиҳатдан бу лавозимга у нолайикдир.

– Маҳалла аҳли ХУМШлардан ўрناق олиб, ўз маҳалласи фондига озроқ бадал бериб туришини қонунлаштириш гоёсига қандай қарайсиз?

– Ҳаммаси, биринчи навбатда моддий база ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўз ишини қандай ташкил этишига боғлиқ. Мабодо у юридик муносабатларни яхши билса, қонун ҳужжатлари бўйича қандай ҳолатларда қанақа имтиёзларга эга бўлиши мумкинлигидан хабардор бўлса, у, айтилик, газ таъминоти ташкилотлари ва электр тармоғи билан шарҳномалар тузиши мумкин. Ўзини ўзи бошқариш органи бу борадаги йиғим тўлиқ ва ўз вақтида бўлишини таъминлашга кўмаклаша бориб, қўшимча йиғилган пулларнинг 10-15 фоизини ўзида қолдириши мумкин. Тўғри, бу нарса шартномада назарда тутилган бўлиши шарт. Бу ой сайин келиб турадиган яхшигина мадад бўлади. Ана шу сумманинг 20 фоизини маҳалла раҳбарияти фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўзининг маъмурий эҳтиёжлари учун сарфлаши мумкин, қолган сумма эса бошқа мақсадларга, шу жумладан муҳтож оилаларга коммунал тўловларни тўлашда ёрдам учун, ёлғиз кекса кишиларга патронажликни уюштириш учун ва шу сингари ишларга йўлланмоғи керак.

Умуман олганда, йиғин раисларининг талаб-эҳтиёжлари доираси анча кенг. Баъзан мутлақо норéal нарсаларга ҳам орзуманд бўлишади улар. Айтилик, маҳалла худудида жойлашган корхоналар тўловларининг оз қисмини бюджетга эмас, маҳаллага тақсимланса деган таклифлар ҳам билдирилди. Бу ўринсиз ва номақбул, албатта. Негаки маҳаллий бюджетларга ва давлат бюджетига салбий таъсир этади. Нуқул пул сўрайвергандан кўра маҳалланинг ўзида нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этиш мумкин. Бундай ташкилот пул ишлаб топар экан, тушумни муассислар ўртасида тақсимламай, уни маҳалла ободонгарчилиги йўлида турли мақсадларга сарфлаш мумкин-ку ахир?!

Юлия ЯШИНА,

«Норма маслаҳатчи» махсус муҳбири.

Муаллиф фотолари.

ҲИСОБОТ ДАВРИ ОЛДИДАН

Ярим йиллик ҳисобот топшириш вақти яқинлашмоқда. Экспертларимиз бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларда йил бошидан рўй берган ўзгаришлар ҳақида эслатиб ўтадилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сон) ва Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарорига (2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон) мувофиқ корхоналарга солиқ солишдаги ўзгаришлар «СБХ»нинг 5, 6, 7, 8, 9 ва 12-сонларида батафсил кўриб чиқилган. Ушбу мақолада 2010 йил 1 январдан кейин қабул қилинган ҳужжатлар келтирилади.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР
асосан қуйидаги иккита ҳужжат билан киритилган:**

2010 йил 25 мартдан кучга кирган Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом (молия вазирининг АВ томонидан 2010 йил 15 мартда 2086-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган, бундан кейин – 2086-сон Низом);

2010 йил 22 майдан кучга кирган молия вазирининг «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 12 майда 1401-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 1401-1-сон буйруқ).

2086-сон НИЗОМ билан буюртмачи ва қайта ишловчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олиш тартиби белгиланган.

Буюртмачи – қайта ишлашга берилган хом ашёни саноат асосида қайта ишлашга бераётган ташкилот. Қайта ишловчи – қайта ишлашга берилган хом ашёни саноат асосида қайта ишлашга қабул қилувчи ва қайта ишлашдан олинган маҳсулотни келгусида буюртмачига қайтариб берувчи ташкилот.

2086-сон Низомнинг амал қилиш соҳаси саноат асосида қайта ишлаш билан чекланади. Низом пудрат шартномаларининг алоҳида турлари (маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳалаш ёки қидирув ишлари пудрати, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати) бўйича бажариладиган операцияларга, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича амалга ошириладиган биргаликдаги фаолиятга татбиқ этилмайди.

Шундай бўлса-да, фикримизча,

2086-сон Низом билан белгиланган қайта ишлашга берилган хом ашёни бериш ва қайта ишлаш билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олиш ва акс эттиришнинг асосий қоидаларини, мисол учун, қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда ҳам қўллаш мумкин.

Қайта ишлашга берилган хом ашё асосидаги операцияларнинг хусусияти шундаки, бошланғич хом ашёни (материалларни) қайта ишловга бераётган тараф (буюртмачи) ушбу хом ашёга ҳамда тайёр маҳсулотга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади, қайта ишловчи эса фақат хом ашёни қайта ишлаш бўйича зарур хизматларни кўрсатади ва тайёр маҳсулотни буюртмачига топширади.

2086-сон Низомда қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлаш шартномасини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати белгиланган:

- 1) қайта ишлаш шартномаси (пудрат шартномаси, ҳақ олмасдан хизмат кўрсатиш шартномаси);
 - 2) қайта ишлашга берилган хом ашёни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, уни топшириш учун юкхат;
 - 3) қайта ишловчининг хом ашёни ишлатганлиги тўғрисидаги ҳисоботи (натурал бирликларда тузилади ва келиб тушган хом ашё миқдори, олинган маҳсулот сони ва ассортименти, ишлатилмаган, шу жумладан қайтвучи хом ашё ва чиқиндилар сони тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади);
 - 4) бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (олинган маҳсулот ҳар бир турини ишлаб чиқариш харажатларининг қиймат баҳосини ўз ичига олади);
 - 5) ҳисобварақ-фактура.
- Буюртмачи** материаллар қайта

ишлашга берилганлигини юкхат ёки икки тараф имзо чеккан қабул қилиш-топшириш далолатномаси, акцизланадиган хом ашё берилганда эса ҳисобварақ-фактура билан расмийлаштириши шарт. ҚҚС солиш мақсадида бундай бериш товарлар (ишлаб, хизматлар)ни реализация қилиш обороти бўлиб ҳисобланмайди ва ҚҚС солинмайди (Солиқ кодекси (СК)нинг 199-моддаси). Бироқ акцизли товарларни қайта ишловга бериш акциз солиғи солинадиган оборот бўлиб ҳисобланади (СК 230-моддаси).

Материалларни қайта ишловга бераётганда буюртмачи уларни балансдан ҳисобдан чиқармайди, балки 1070-«Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» ҳисобварағига ҳисобга олиш учун ўтказилади. Материалларни қайта ишлаш харажатлари қайта ишлашдан олинган буюмлар ҳисобга олинадиган ҳисобварақлар дебетида киритилади. Қайта ишловчидан олинган қайтвучи чиқиндиларни у уларни эҳтимолий ишлатиш ва (ёки) реализация қилиш қиймати бўйича кирим қилиши керак (1090-«Бошқа материаллар» ҳисобварағи дебети).

МИСОЛ. Тикув фабрикаси (буюртмачи – ҚҚС тўловчиси) чет ташкилотга (қайта ишловчи – ҚҚС тўловчиси) бичиш учун 1 000 минг сўмлик газлама берди.

Бичиш қиймати 450 минг сўмни (ҚҚСсиз) ташкил қилди. Қайта ишловчи бажарилган ишлар қийматида ҚҚС ҳисоблаб ёзади ва буюртмачига 540 минг сўмлик, шу жумладан ҚҚС 90 минг сўм (450 x 20%) ҳисобварақ-фактура ёзиб беради.

Фабрика ўз навбатида СК 218-моддасида назарда тутилган шартлар бажарилган тақдирда тўланган ҚҚСни ҳисоб учун қабул қилади.

Қайта ишловчи қайта ишлашга бериш асосида қайта ишлаш учун олинган хом ашёни (материалларни) 003-«Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» балансдан ташқари ҳисобварағида ҳисобга олади. Қайта ишлов бўйича ишлар бажарилгандан кейин эса материал, тайёр маҳсулотни бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича буюртмачига топширади. Қайта ишловчи шунингдек сарфланган хом ашё ва қолдиқлар, агар мавжуд бўлса, чиқиндилар тўғрисида ҳисоботни тақдим қилиши керак. Ўзи-

6-бетда

Ҳисобда газламани чет ташкилотга бичиш учун бериш бўйича операциялар қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

№/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси		Ўзуларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар	
			дебет	кредит		
1	Чет ташкилотга бичиш учун газлама топширилди	1 000	1070	1010	Қайта ишлашга берилган хом ашёни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат	
2	Бичувчига бўнақ ўтказилди	540	4310	5110	Шартнома, банк кўчирмаси	
3	Қайта ишловга берилган газлама қиймати тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилди	1 000	2010	1070	Юкхат, қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлаш маҳсулотини қабул қилиш-топшириш далолатномаси	
4	Бичиш бўйича бажарилган ишлар қиймати ҳисобдан чиқарилди	450	2010	6010	Далолатнома, ҳисобварақ-фактура	
5	Бичиш бўйича ишлар қийматига оид ҚҚС ҳисобга олинди	90	4410	6010	4410	Ҳисобварақ-фактура
6	Тўланган бўнақ ҳисобга олинди	540	6010	4310	Берилган бўнақларни ҳисобга олиш қайдномаси	

ҲИСОБОТ ДАВРИ ОЛДИДАН

5-бетда нинг хизматлари қийматига қайта ишловчи ҚҚС ҳисоблаб ёзади (агар у ҚҚС тўловчиси бўлса), агар маҳсулот акцизланадиган маҳсулот бўлса, акциз солиғини ҳам ҳисоблаб ёзади. Бунда солиқ базаси акцизли товарларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар қийматини ва қайта ишлашга берилган хом ашё ҳамда мате-

риаллар қийматини ўз ичига олади (СКнинг 232-моддаси).

МИСОЛ. Тикув фабрикаси билан тузилган шартномага биноан ателье аёллар ва эркаклар костюмларини бичиш ишларини бажармоқда. Буюртмачи унга қайта ишлашга бериш асосида қиймати 1 000 минг сўм бўлган газлама беради.

Бичиш ишлари қиймати 450 минг сўми (ҚҚСсиз) ташқил қилди. Бажарилган ишлар таннархи – 320 минг сўм.

Газламани бичиш ишлари ҚҚС тўловчиси бўлган корхона учун қўшилган қиймат солиғи солинадиган реализация бўйича оборот бўлиб ҳисобланади. Бунда солиқ солинадиган база бўлиб қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлаш хизматларининг (мазкур ҳолда – газламани бичиш ишлари) қиймати ҳисобланади. ҚҚС суммаси 90 минг сўми ташқил қилади (450 x 20%).

тўловлари тўланиши фактини тасдиқлайдиган божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан кейин 12 ой ўтгач тайёр импорт истеъмол товарлари сотувга қўйилиши ҳамда чакана савдода реализация қилинишига йўл қўйилмайди. Ушбу уларлар рўйхатига қуйидагилар киради: тикувчилик буюмлари, устки трикотаж, ички трикотаж, спорт трикотажи, пайпоқлар, кўрпа-тўшак ғилофлари (алоҳида-алоҳида ва комплект ҳолда), тюль-гардин полотноси ва буюмлари, пахмоқ сочқилар, чойшаблар, халатлар, чарм пойабзал, телевизорлар, музлатгичлар, кондиционерлар ва электр дазмоллар. Ушбу товарлар уларнинг олиб кирилиши ва божхона тўловлари тўланиши фактини тасдиқлайдиган божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан кейин 12 ой ўтгач реализация қилиниши савдо қоидаларини бузиш (товарларни ҳужжатларсиз реализация қилиш) деб ҳисобланади ва тегишли чоралар қўлланилади.

2095-сон НИЗОМ билан ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ)-нинг базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби белгиланган. Яъни вақтинчалик деб қабул қилинган тартиб доимийга айланди. 2095-сон Низом базавий миқдорни ҳисобга олган ҳолда ЯИТни ҳисоблаб чиқаришдаги ёндашувларни ўзгартиргани йўқ. Ҳисоб-китоб шакллари озгина ўзгарган. Хусусан, ЯИТнинг базавий миқдори маълумотнома - ҳисоб-китоби (2095-сон Низомга 2-илова) ҳисобот даври охиридаги ЯИТ базавий миқдорининг ойларга бўлинган қўшимча сатрлари киритилган (назорат қилувчи органлар олдин ҳам ойларга бўлишни талаб қилишган).

1908-1-сон ҚАРОР билан Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга бюджетга клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш қисмида қўшимча киритилган (аввалги таҳрири фақат цементга тааллуқли эди), шунингдек баъзи таърифлар ва қоидаларга Солиқ кодексига мувофиқлаштирувчи таҳририй аниқлаштиришлар киритилган.

1909-1-сон ҚАРОР билан Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга таҳририй тусга эга бўлган ҳамда уни СКнинг 249-250-моддаларига мувофиқлаштирувчи ўзгаришлар киритилган.

2107-сон НИЗОМ билан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби белгиланган. Имтиёз 2010 йил 1 январдан бошлаб жорий қилинган (СК 179-моддасининг 31-банди).

2110-сон НИЗОМ билан солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлашни керак бўлган солиқлар ва божхона

бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби белгиланган. Низом солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда, солиқ органлари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар суммасини ҳисоблаб чиқариш тартибини белгилувчи СКнинг 40-моддасини очиб бериш мақсадида қабул қилинган. Солиқ органлари томонидан ҳисоб-китоб солиқ тўловчи тўғрисида, шунингдек шунга ўхшаш бошқа солиқ тўловчилар тўғрисида ўзларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида амалга оширилади. Солиқ тўловчи ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаларига қўшилмаган тақдирда солиқ органини бу ҳақда хабардор қилиши ва солиқ ҳисоботи белгиланган тартибда тақдим этиши шарт. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботи асосида ҳисоблаб чиқарилади ва тўланади, унинг ҳаққонийлиги учун солиқ тўловчининг ўзи жавобгар бўлади.

2111-сон НИЗОМДА фуқароларнинг ихтиёрий равишда Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтирилган иш ҳақи суммалари ва солиқ солинадиган бошқа даромадларини жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан озод этиш кўринишидаги имтиёзни қўллаш тартиби белгиланган. Имтиёз 2010 йил 1 январдан бошлаб амал қилмоқда (СК 179-моддасининг 31-банди). У солиқ чегирмаси кўринишида тақдим этилади – жисмоний шахсларнинг солиқ солиниши керак бўлган даромадлари ШЖБПҲга йўналтириладиган маблағлар суммасига камайтиради.

Солиқ чегирмаси даромад олаётган жисмоний шахснинг белгиланган шаклда тақдим этган аризаси асосида тўлов манбаида тақдим этилади. Агар тўлов манбаига жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ушлаб қолиш ва ўтказиш мажбурияти юкланмаган бўлса (масалан, тўлов манбаи бўлиб ижара ҳақи тўлаётган жисмоний шахс бўлганда), солиқ чегирмаси жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида декларация асосида тақдим этилади.

Солиқ чегирмаси суммаси жисмоний шахсга ҳисоблаб ёзилган даромад суммаси доирасида ихтиёрий равишда ШЖБПҲга ўтказилаётган маблағлар суммасига тенг. Агар жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий бадаллар тарзида тушган маблағлар улар ўтказилган солиқ даври (календарь йили) туғанига қадар жисмоний шахсларга тўланадиган бўлса, ушбу маблағларга жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида декларация асосида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинади. Мазкур талаб ишлаётган пенсионерларга ёхуд солиқ даври давомида пенсияга чиққан ва даромадларидан ШЖБПҲга бадал тўлаган ходимларга татбиқ этилади.

Бухгалтерия ҳисобида буюртмачи – ҚҚС тўловчисининг материалдан фойдаланган ҳолда бичиш бўйича бажарилган ишлар қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

№/р	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси		Ёзувларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар
			дебет	кредит	
1	Буюртмачидан бичиш учун олинган газлама кирим қилинди	1 000	003		Қайта ишлашга берилган хом ашёни қабул қилиш-топшириш далолатномаси, юкхат
2	Буюртмачидан бўнак олинди	540	5110	6310	Шартнома, банк кўчирмаси
3	Бичиш харажатлари акс эттирилди	320	2010	0200 1010 6710 6520	Юкхатлар, ҳисоботлар, қайдномалар, маълумотнома-ҳисоб-китоблар ва бошқалар
4	Олинган материал бичилиб, буюртмачисига қайта ишлаш маҳсулоти қайтариб берилганидан кейин ҳисобдан чиқарилди	1 000		003	Ҳисобварақ-фактура, қайта ишлашга берилган хом ашёни қайта ишлаш маҳсулотини қабул қилиш-топшириш далолатномаси, қайта ишлашга берилган хом ашёни ишлатганлик тўғрисидаги ҳисобот
5	Қайта ишлов бўйича бажарилган ишлардан олинган даромад акс эттирилди	450	4010	9030	Қайта ишлаш учун шартнома, далолатнома, ҳисобварақ-фактура
6	ҚҚС ҳисоблаб ёзилди	90	4010	6410	Ҳисобварақ-фактура
7	Бажарилган ишлар таннархи ҳисобдан чиқарилди	320	9130	2010	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
8	Олинган бўнак ҳисобга олинди	540	6310	4010	Олинган бўнақлар қайдномаси

1401-1-сон буйруқ билан Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга* киритилган ўзгаришлар бюджет ташкилотлари, шунингдек унитар, давлат корхоналарига тааллуқлидир. Улар асосий воситалар объектларини тугатиш,

реализация қилиш ва текинга беришни ҳисобда акс эттиришни белгиланган. Хусусан, асосий воситаларни балансдан чиқаришда бюджет ташкилотларида ҳисобварақлар корреспонденцияси аниқлаштирилган, махсус комиссиялар томонидан асосий во-

ситаларни реализация қилиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг мажбурий шarti жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича реализация қилинадиган асосий воситалар бундан мустасно).

банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 4 июнда 2111-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 2111-сон Низом).

ПК-1326-сон ҚАРОР билан деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоратadbирлари белгиланди. Унда ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ солиш масалалари ҳам тилга олинди. Хусусан:

2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхоналари, микрофирмалар ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кичик корхоналари учун ўрнатилган тартибга мувофиқ, ягона солиқ тўлови суммаси худди шундай фаолият турини амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги керак (МВ ва ДСҚнинг бу борадаги тушунтириши «СБХ»нинг 26-сонидан берилди);

2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб олиб кирилиши ва божхона

тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» қарори (АВ томонидан 2010 йил 25 мартда 1909-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 1909-1-сон қарор);

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 27 майда 2107-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 2107-сон Низом);

Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 31 майда 2110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 2110-сон Низом);

Ўзбекистон Республикаси Халқ

Президентнинг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2010 йил 26 апрелдаги ПК-1326-сон, бундан кейин – ПК-1326-сон қарор);

Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 13 апрелда 2095-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 2095-сон Низом);

МВ ва ДСҚнинг «Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қарори (АВ томонидан 2010 йил 25 мартда 1908-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 1908-1-сон қарор);

МВ ва ДСҚнинг «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш

*Молия вазирининг 2004 йил 29 августдаги 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

УЧИНЧИ ШАХС УЧУН ТЎЛАЙМАНМИ?

«Норма маслаҳатчи» газетасининг 2010 йил 25 январдаги 4-сонда экспертнинг иш ҳақи пластик карточка тўтувчисининг ўз маблағларидан учинчи шахслар манфаатини кўзлаб товарлар, ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш учун фойдаланишининг қонунийлиги тўғрисида жавобини ўқидим.

У шундай деб ёзади: «Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда майда битимларни имзолаш масаласини қонун ҳужжатлари худди йирик битимлар билан бўладиган тарзда тартибга солган. Бинобарин, агар аёлингиз сизнинг пластик карточкадан ёрдамида 350 сўмга нон ёки 50 сўмга бир қути гугурт харид қилмоқчи бўлса, худди 1 000 000 сўмга юмшоқ мебель сотиб олаётганидек, у сотувчининг талабига кўра юқорида кўрсатилган ҳужжатларни (ишончнома ва паспорт) тақдим этиши керак бўлади. Буни юқорида кўрсатилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаб қилади».

Шу муносабат билан куйидаги саволни бермоқчиман: ўз дўстларим, узоқ қариндошларим ва танишларим билан бирга сайёҳлик фирмаси ёки агентлигига келиб, ўз карточкам ва паспортимни кўрсатган ҳолда улар учун турли сайёҳлик хизматларига, шу жумладан самолётда учишга ҳам ҳақ тўлай оламанми?

Бир қатор сайёҳлик фирмалари ва агентликларидан менга негадир ЎзР МБнинг эмас, балки солиқ органлари бўлинмаларининг дудмал жавоблари босилган қандайдир қоғозларни кўрсатишди. Уларда бундай операция тўғридан-тўғри тақиқланмаган. Бироқ агентликларнинг ходимлари ушбу жавобларни рўқча қилиб, фуқаролардан учинчи шахслар учун сайёҳлик йўлланмалари ва авиачипталар ҳақини пластик карточкалар орқали қабул қилишдан бош тортяптилар. Бу амалдаги қонунчиликка зид эмасми?

Д. Сирождидин.

– Қонун ҳужжатлари бошқа шахслар учун хизматлар ҳақининг карточка эгасининг тўлаши мумкинлигини очиқдан-очиқ кўрсатмайди, карта эгасининг улар манфаатларини кўзлаб товарлар, ишлар ёки хизматлар харид қилишига чекловлар ҳам қўймайди. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом** (бундан кейин – 1122-сон Низом), Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида низомга*** (бундан кейин – 1344-сон Низом) мувофиқ шахсий пластик карта тўтувчиси унинг эгасининг карт-счётида ҳисобга олинган пул маблағларини тасарруф этишга ҳақлидир. Пластик карточкалар банк томонидан чиқарилган персонифицирланган тўлов воситаси бўлиб, карточка эгасининг тегишли банкдаги счётида маблағ борлигига гувоҳлик беради ва нақд пул тўламасдан товарлар, иш ва хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини ўзида акс эттиради (1122-сон Низомнинг 82-банди).

1344-сон Низомнинг 7-бандига му-

вофиқ оила аъзолари, яқин ва узоқ қариндошлар, дўстлар ва бошқа шахслар бировнинг банк картасидан ишончнома асосида фойдаланишига йўл қўйилади. Агар банк картасининг эгаси ўз отаси, амаки-тоғаси, опа-укаси ёки дўстига пластик картадан фойдаланишга ишончнома берса, улар карта бўйича исталган хизматларга ҳақ тўлай оладилар.

Пластик карточка эгасининг ўзи бошқа шахслар учун хизматлар (ишлар, товарлар)га ҳақ тўлаши қонунийлигига келсак, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқлик мавжудлиги ва мазкур масала бўйича ягона фикрнинг йўқлигини ҳисобга олганда, мазкур масалани меъёрий-ҳуқуқий тартибда ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда икки вариант мавжуд:

1) пластик карта эгасининг ўз яқинлари ва узоқ қариндошлари, дўстлари, танишлари учун, масалан, сайёҳлик йўлланмалари, авиачипталар ва бошқа хизматлар, товарлар, ишларга ҳақ тўлаш ҳуқуқини аниқ белгилаб қўйиш;

2) ҳисоб-китобларнинг мазкур вариантдан фойдаланишни тақиқлаш.

*Тахр. – «Пластик карточка учун паспорт керами?»

**МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори таҳририда.

***МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

ИШОНЧНИ ИШОНЧНОМА БИЛАН ТАСДИҚЛАНГ

Мен электр энергияси учун ҳақни қизимнинг карточкаси билан тўламоқчи бўлдим. Ўзимнинг ва унинг паспортини ўзим билан олдим, бироқ почтада менга хизмат кўрсатишни рад этишди. Алоқа бўлими ходимлари тўғри қилишдимми? Мен нимани нотўғри қилдим?

Яқин қариндошлар – бир оила аъзолари зарурат туғилганда бир-бирларининг пластик карталаридан фойдаланишлари мумкин, бироқ бунинг учун ишончнома зарур деб эшитган эдим. Марҳамат қилиб айтсангиз, ким уларни қандай ҳужжатлар асосида ва қанча муддатга беради ва тасдиқлайди?

Таҳририятга келган хатдан.

– Почта бўлими ходимлари мазкур ҳолда ҳақлар. Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида низомнинг* (бундан кейин – 1344-сон Низом) 7-банди «а» кичик бандига мувофиқ оила аъзолари, дўстлар ва бошқа шахслар бошқаларнинг шахсий пластик картасидан фақат ишончнома асосида фойдалана оладилар. Қизингизнинг пластик картасидан фойдалана олишингиз учун сиз унинг паспортини эмас, балки сизнинг номингизга расмийлаштирилган унинг ишончномаси ва ўз паспортингизни тақдим этишингиз лозим эди.

Пластик картадан фойдаланишга ишончнома шакли масаласи қонунчиликда аниқ тартибга солилмаган. У нотариал тасдиқлини керак ёки керак эмаслиги аниқлаштирилмаган.

Фуқаролик кодексининг 135-моддасига мувофиқ ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Нотариал шакли талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қонунчилик билан ишончноманинг бошқа шакли белгиланган;

хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посылкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома берилди;

ишончнома юридик шахс номидан берилган; ишончнома нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилади.

Бинобарин, қонун ижодкорлари ушбу масалани тартибга солишлари мақсадга мувофиқ. Сизга ишончномани нотариал тасдиқлашни тавсия қиламиз.

Ишончнома 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилиши мумкин. Агар унда муддат кўрсатилмаса, у берилган кундан бошлаб 1 йил мобайнида ўз кучини сақлайди.


Берилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас (Фуқаролик кодексининг 139-моддаси). Шуни қайд этиш лозимки, пластик картадан фойдаланишга ишончноманинг муддати картадан фойдаланиш муддатидан ошмаслиги керак.

Шунақаси ҳам бўлади

БЕМАЪНИ СОЛИҚЛАР

2009 йилда жаҳондаги кўпгина мамлакатлар давлат бюджетидagi тақчиллик шунга олиб келдики, амалдорлар янгидан-янги солиқларни ўйлаб топа бошладилар. Бу солиқларнинг баъзилари, таъбир жоиз бўлса, ҳеч бир қолипга сиймайди. «Время новостей» газетаси ўтган йилги солиқ борасидаги энг бемаъни ташаббуслардан ўнтасининг рўйхатини эълон қилди.

Бу рўйхатга Латвияда тавсия этилган қабр солиғи ва Буюк Британия ҳукумати ташаббуси билан жорий этилган стационар телефон солиғи киради. Украинада порадан солиқ олишни жорий этмоқчи бўлдилар – лойиҳа Молвия вазирлиги томонидан киритилди.





Сенатор Гарри Рейд тақлиф этган ташқи кўринишни ўзгартиришга қаратилган косметик тартиб-таомиллардан, айтилик, ажинни йўқотиш ёки кўкракни катталаштириш операцияларига 5 фоизли солиқ жорий этиш тақлифи ҳам шу рўйхатдан жой олди. Дания парламенти қабул қилган озик-овқат маҳсулотларидаги ёғ учун солиқ олиш ҳам шу рўйхатда.


Латвия шифокорлар жамияти президенти Петерис Апинис ташаббуси ҳам эътибордан четда қолмади. У туз ва шакарга тамаки ва алкоғолли ичимликларга бўлгани каби акциз жорий этишни тақлиф этди. Мэн ороллари маъмурияти 2009 йилда Интернет қароқчиларига солиқ солишни тақлиф этди, Нью-Йорк штатининг губернатори Дэвид Пэттерсон Интернет орқали сотиб олинган фильмлар, шу жумладан беҳаё фильмлар учун солиқ солиш зарурлигини айтди. Санкт-Петербург губернатори Валентина Матвиенконинг бу шаҳарга ташриф буюрган туристлардан «архитектура» солиғи олиш ҳақидаги тақлифи ҳам рўйхатни тўлдирди.


Интернет тармоғи материаллари асосида.

Рассом ҳазили



М.ЭШОНҚУЛОВ чизган суратлар.






ТОП


ЭНГ ЯХШИСНИ ТОП!

«Норма маслахатчи» N 26 (259) 2010 йил 29 июнь

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**



Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

УзР Авинон 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳнома,
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

“AMIR-AUDIT” МЧЖ

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталлими - УзРдаги 5000 ЭКИХдан ортик

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

“Аудит-ВАРН” МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН
ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС
БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ

**АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ
ЎТКАЗАДИ**

128-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,
уяли: +998971 192248

Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

МЭнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

**Барча хўжалик юритувчи
субъектларнинг аудиторлик
текширувлари**

Хизматлар халқаро
малакага эга аудиторлар
томонидан кўрсатилади

e-mail: nazorat_audit@mail.ru
8-371-2794716, +99897 402-05-00
+99869 258-57-97, +99897 340-98-62
8-371-2794401

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 22 июндаги ажримларига асосан Учтепа туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи
“NAFIS PRINT” МСНЖ	10-1006/10041	А.Бобононов
“Mashkurahon Gold” ХФ	10-1006/10039	А.Бобононов
“GYUR” МСНЖ	10-1006/10042	Б.Саидов
“Trans Story Garant”	10-1006/10040	Д.Юлдашев
“Uchtepa Matlubot savdo”	10-1006/10027	А.Худояров
“Abofium biznes”	10-1006/10024	А.Бобононов
“Imkon Grand Servis”	10-1006/10025	А.Худояров
“Epika Optimum”	10-1006/10026	Б.Бобомуродов

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йигилиши 2010 йил 2 июль соат 10.00 да ўтказилади. Ушбу корхоналар юзасидан эътирозлар Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1-уй, Учтепа туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада қабул қилинади ва кузатувга оид ишлар ушбу манзилда давом этмоқда. Тел.: 274-28-70, 275-95-10.

Банкротлик иши Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси Д.Р.Соатов томонидан 2010 йил 9 июль кўни соат 12.30 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 2-сонли суд залида кўрилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 23 июндаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги соддалаштирилган таомилда банкрот деб иш юритишга қабул қилинган ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
“Юта Лтд” МЧЖ	10-0914/10275
“Print-Line” МСНЖ	10-0914/10274
“Aziz Ne'mat-Servis” SHK	10-0914/10273
“Собир Раҳимов Курилиш” ШК	10-0914/10276
“SHahri Blok” ХК	10-0914/10272
“Parti” ХК	10-0914/10271

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Х.Ҳаётов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2010 йил 1 июль соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 401-хонада бўлади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2010 йил 14 июль соат 16.00 да Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 4-суд залида бўлади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 28 майдаги 10-0916/4711-сонли ҳал қилув қарорига асосан Сергели туманидаги “UTEK” КК банкрот деб эълон қилинган. Тугатув бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходими М.Эшназаров тайинланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2010 йил 29 июнь кўни соат 15.00 да Тошкент ш., Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4-1-хонада ўтказилиши белгиланган. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида куйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 2-хона. Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 17 июндаги 11-1006/12118-сонли ажримга асосан Юқори Чирчиқ туманидаги “ВАНОР ISONCH OMAД” МЧЖ (юридик манзили: Ю.Чирчиқ тумани, “Тинчлик” Қ.Ф.Й., Ийк-ота ш/х) ҳамда 11-1006/12119-сонли ажримга асосан “MUROD-ZARINA-NARGIZA” ХК (юридик манзили: Ю.Чирчиқ тумани, “Барданкўл” Қ.Ф.Й.) банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Юқори Чирчиқ туман ДСИ ходими Г.Мирахмедов тайинланган. Мазкур корхоналар кредиторларининг навбатдаги йигилиши 2010 йил 22 июль соат 10.00 да Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туман ДСИ биносида ўтказилиши тайинланган. Ушбу корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчакли штамплари бекор қилинади. Корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар 1 ой давомида ўз мурожаатларини куйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор кўчаси, Чирчиқ кўчаси, 2-уй, Юқори Чирчиқ туман ДСИ биноси, 8-хона. Тел.: 150-59-35, (8-298) 32-345.

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

“ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чўқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги ВК туридаги, Вихрли дренаж учун ГНОМ туридаги ЦМК туридаги фекаль К туридаги, Консоль “Андижанец” насоси

189-10

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

“ЕГОЗА-СТРОЙ” МЧЖ

«ЕГОЗА»

АРМАТУРАЛАНГАН
ТИКАНЛИ
СИМИНИ ИШЛАБ
ЧИКАРАДИ.

255 4119, 255 7338, 405 3630
E-mail: egoza.stroy@mail.ru, www.uzegoza.ru

*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 11 июндаги 10-1006/8394-сонли ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманидаги “XONDAMIR SAVDO” МСНЖ (СТИР 204696684; рўйхатга олинган рақами ва санаси: 000012-01, 17.10.03); юридик манзили: Н.Ганиева, 24-уй) тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхонанинг тўртбурчакли тамга ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биноси, 3-қават, 4-хонада қабул қилинади.

ЭЪЛОНЛАР

ЭЪЛОНЛАР

СОТИЛАДИ

Резина кордди контейнерлар.
Тел. 252-34-89.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик, жиноят ишлари. Адвокатлик фирма-си.*
Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.* Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELTE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.*
Тел.: 343-41-56, 448-74-69.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Баланслар. Маслаҳатлар бериш.
Тел. 100-65-80.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 18 июндаги ажримларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
“BR-Bizness trade” МСНЖ	10-1007/9711
“Yangi yulduz biznes” МСНЖ	10-1007/9715
“Ondura servis” МСНЖ	10-1007/9707
“Aman ravshan savdo” МСНЖ	10-1007/9713
“Sattorova dilfuza” ХК	10-1007/9708
“Palm oil invest” МСНЖ	10-1007/9709
“Premium vegetex” МСНЖ	10-1007/9712
“Karavan Torg-Biznes” МСНЖ	10-1007/9710

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йигилиши 2010 йил 29 июнь соат 10.00 да Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2010 йил 2 июль соат 14.00 да Шайхонтоҳур туман ДСИ биносининг 307-хонасида сайёр очик суд мажлисида кўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 241-30-86.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 11 июндаги ҳамда 2010 йил 22 июндаги ҳал қилув қарорларига асосан Уртачирчиқ туманидаги банкрот деб тан олинган ва тугатишга доир иш бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
“Илғор” ФХ	11-1006/11621(19)
“Баракат А” ФХ	11-1006/11617(19)
“Хайринисо Гуломтой” ФХ	11-1006/11623(19)
“Ҳакимжон фермер” ФХ	11-1006/11624(19)
“Масадик Хужамберди”	11-1006/11620(19)
“Хумсон овул” ФХ	11-1006/11618(19)
“Илашбой Хасанбой” ФХ	11-1006/11619(19)
“Носирхожи обод нур” ФХ	11-1006/11622(19)
“Тўлаган тожи” ФХ	11-1010/11687(19)
“Абдулла Раҳмат” ФХ	11-1010/11684(19)

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Уртачирчиқ туман ДСИ ходими И.Игамбердиев тайинланган. Ушбу корхоналарнинг белгиланган тартибга кўра топширилган думалоқ муҳрлари ва бурчакли штамплари бекор қилинади. Кредиторлар талаблари ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент вилояти, Уртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йули кўчаси, 88-уй, Уртачирчиқ туман ДСИ биноси, 1-қават, 19-хона.

Иқтисодий-хўжалик газети

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУКУҚ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxahbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Тахририят овозланмирани, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

“Норма маслахатчи” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Норма” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “ТОПРИНТ” МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 631 Алали 5225. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 26 июнда соат 1.55 да топширади.
ISSN 2010-5223

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.